
"Сўнги қўнғироқ" тадбирларини ўтказишда хизмат олди йўриқномаси ўтказилди

Тумандаги умумтаълим мактабларида ўтказиладиган "Сўнги қўнғироқ" тадбирларини ўтказишда жамоат ва йўл ҳаракати ҳафвсизлигини таъминлаш, тадбирларни беталофат ўтказиш мақсадида тумандаги масъул ташкилот ва идоралар раҳбарлари, профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла еттилиги иштирокида хизмат олди йўриқномаси ўтказилди.

Унда мактаб битурвчилари томонидан турли ресторан ва кафелар, хонадонларда "Битирув оқшоми" каби норасмий тадбирларни уюштирилишини олдини олиш, бирламчи тиббиёт воситалари бўлиши ва бегона шахсларнинг мактаб ҳудудига кирмаслиги, ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар олиш ва бошқа турли назоратсиз тадбирлар ташкил этилишини олдини олиш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди. Йўриқнома бўйича умумтаълим мактабларига бириктирилган ҳар бир масъуллар қатъий огоҳлантирилди.

2024-05-24 19:44:49